

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 30-IYUN
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

78
(16235)

Кечки сони

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан жойларда турли байрам тадбирлари ташкил этилиб, маданий-маърифий учрашувлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган мусобақалар, югуриш марфони, жумладан, ёш оилалар ўртасида эстафета беллашувлари, викториналар, оммавий сайил ва концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.



ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК

Ёшлар куни республикамиз бўйлаб кутаринки рухта ўтапти. Байрам муносабати билан жойларда "Ёшлар уйлари" ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Хусусан, **Олмазор тумани** Қамаринисо кўчасидаги иккита кўп қаватли уй ёшлар ихтиёрига топширилди 64 нафар оила ўз уйига эга бўлди. Шунингдек Жиззах шаҳаридаги "Кимёгар"

маҳалласида жойлашган 32 хонадондан иборат уй калитлари ўз эгаларига топширилди. Маросимда вилоят ҳоқими ёш оилаларга қиммат баҳо совғалар улашди.

— Оилам ва ота-онам билан янги уйда Ёшлар байрамини нишонлаяпмиз. Бизни қўллаб қувватлагани учун Президентимизга раҳмат! — дейди янги уй соҳиби Дилшод Усанов.

Ангор тумани "Янги-турмуш" маҳалласида ёш оилалар учун барпо этилган "Ёшлар уйи" ҳам фойдаланишга топширилди. Ёш тадбиркор Шахриёр Қаҳҳоров ҳам тенгдошлари қатори ёшлар уйларида бирига эга бўлди.

— Бугун оиламиз учун қувончли кун,

— дейди Ш.Қаҳҳоров. — Биз, ёшларга қаратилган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз. Келгусида мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилишга ваъда берамиз.

Қашқадарё вилояти **Яккабўғ тумани** "Айғиркўл" маҳалласида ёш оилалар учун 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли тураржой фойдаланишга топширилди.

Набираларнинг қувончига шерик бўлган 101 ёшли Хадича момо Жовиёева дуога кўл очиб, бундай ишлар бошида турган Президентимизга ташаккур айтди.

Маямура Хўжақулова

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА ЁШЛАР КУНИ



Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Япониядаги ваколатхонаси **Токио шаҳрида** Ёшлар кунини нишонлади. Мамлакатимиз элчихонасида ташкил этилган тадбирда кунчиқар юрда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган унлаб тенгдошларимиз иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистоннинг Япониядаги фавқулодда ва мухтор

элчиси **Ғайрат Фозилов** йигит-қизларни Ёшлар куни билан қутлаб, Президентимизнинг ёшларга йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Учрашув гузал кўшиқ ва рақсларга улашиб кетди.

Жўрабек ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Япониядаги вакили

MUNOSABAT

ЧИНАКАМ СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ БЎЛАДИ

Гузэл ОХУНОВА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида жисмонан соғлом, ақлан етуқ, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлодни тарбиялашдек устувор мақсад мўжассам.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўйбга чиқариш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилади. Бироқ эртамеъназгаларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмагани ҳамда зарур инфратузилма йўқлиги боис, етарлича янги иш ўринлари яратилмапти.

Кўни кеча Президентимиз томонидан имзоланган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармон эса, бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган энг муҳим ҳужжат бўлди.

Ёшлар орасида учрайдиган кўпгина муаммолар, ҳуқуқ-бузарликлар бекорчилигидан келиб чиқмоқда. Шу ўринда дастурда уюшмаган ёшларнинг ўз қизиқишларига қўра, меҳнат бозорини талаб қўри бўлган мутахассисликларга ўқитиш, уларда бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш алоҳида қайд этиб ўтилгани бежиз эмас. Бугунги кун йигит-қизлари ташаббускор, ташкилотчи, шижоатли. Уларнинг инновацион бизнес лойиҳалари амалга татбиқ этиш учун қим уларга моддий кўмак беради?

Энди Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи ҳузурда "Yoshlar — kelajagimiz" жағфармаси ташкил этилади. Унинг туман ва шаҳар филиалларининг очилиши эса, юртимизнинг олис қишлоқларида яшовчи ёшларимиз ҳам тадбиркорлик билан бемалол шугуллана олишини таъминлайди. Мазкур тузилма маблағларидан тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш, Давлат дастури доирасида олинмаган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафиликлар бериш, ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорини талаб қўри бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини ўргатиш каби муҳим вазифалар молиялаштирилади.

Авваллари тадбиркор бўлиш ниятидаги ёш борки, турли тўсиқларга учради. Маҳсулотни жаҳон бозорини рақобатбардош бўлиши учун на бирор йўл-йўриқ кўрсатар, на юридик маслаҳатлар беради.

Энди буларнинг бари-га барҳам берилади. "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat gazari" комплексларининг ташкил этилиши уларнинг буш вақтдан самарали фойдаланиб, касбга йўналтириш билан бир қаторда, яхшигина даромад олиш имконини ҳам беради.

Ишонч билан айтмаманки, мазкур фармон фаол, шижоаткор ёшларнинг сафи сезиларли даражада ортишини таъминлайди.



БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ

Азиз фарзандларим, ҳаётимиз давомчиси ва хонадонларимизнинг чирокдорлари. Мен бобониз қаториман. Бугунги доридомон кунларда ғайратим жўшиб, сизларга бир гаплар айтгим келди. Бунга сабаб Президентимизнинг: "Мен иккита ишни ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтаришга тайёрман", — деган гаплари.

Дарҳақиқат, иш қидириб, мусофирликда юргандан кўра, ўз юрти, ота-онани, оиласининг бағрида бўлганга нима етсин. Бу катта неъмат-ку. Ота-она эса, ғанимат. Ёшлар табиатан ота-бобоси босиб ўтган йўлни инкор қилмаган ҳолда, янгича қараш ва янги-ча яшаш ҳақида ўйлайди. Агарда шундай бўлмаганда, "кўндивой" бўлиб яшай-верганларидан биз бугунги тараққиёт эгитган замоналарга етиб келмаган бўлардик. Гап сизлардаги кучни, ғайратни йўналтиришда. Қаминга кекса бир журналист, ижодкор сифатида ана шундай йўналтиришнинг гувоҳи, ҳатто иштирокчиси ҳам бўлганман. Масалан, "Байкал — Амур магистрал-

ли қурилиши" (БАМ) деган ҳаракатни эсласам ҳайратга тушаман. У Россиянинг белига белбоғ бўлиб тушган уч ярим минг километрик темир йўл қурилишидир. Уни ўша давр ёшлари барпо этди. Ёшлар ўртасида ташвиқот шу даражада бўлганки, ҳатто урта мактабни олтин медаль билан тамомлаган қизим, ўқишга кира олмасам, йўланма билан БАМга бораман, деб ҳужжатларини тахт қилиб қўйганди. Матбуот фақат шу ҳақда ёзарди ва бонг урарди. Мана, ўша темир йўл бугунга келиб Россиянинг асосий қон томирини айланган. Ундан кейин қўриқ ерларини очиб бошланди. Сўнг ёшлар ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришга сафарбар қилинди. Россиянинг Иваново вилоятида "Тошкент", "Ўзбекистон" деган совхозлар ташкил бўлди. Қурувчи ёшларимиз ўша диёрларда қолиб кетиши ҳам. Бундан ташқари, ўзимизда ҳам Мирзачўл, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш, Туямўйин сув омборини қуриш, Қарши машина каналини қазиб ҳаракатлари бошланди. Ҳа, ёшлар ҳаммиша олданда борувчи, янгилик яратувчи,



Тошкент шаҳар ҳоқими **Жаҳонгир Ортиқов** Олмазор тумани ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарishi профилактика инспектори **Жамшид Абдулбоқиев** ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати ходими **Равшанбек Шукуровга** "Мара ўғлон" давлат мукофотини топширади.



МАСЪУЛИЯТЛИ ЁШЛАР КЎПАЯДИ

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQIGA OCHIQ XAT

ТАШАББУСЛАР ЗАМОНИ КЕЛДИ, АЗИЗ ЁШЛАР!

дунёни ўзгартирувчи катта куч бўлиб келган. Савол туғилди, айна пайтда юртимизда ёшларни сафарбар қилаётган ана шундай оламшумул ишлар йўқми?

Бор. Бўлганда ҳам бугунги тил билан айтганда "глобал" даражада бор. Бу Орол денгизи муаммосидир. Орол денгизи нафақат минтақамизни, балки Ер шарини мўътадил ушлаб турадиган ноёб мўъжиза эди. Неча минг йиллар давомида Амударё билан Сирдарё шу денгизга қуйилган. Юртимиз пахта етиштиришга ихтисослашган улкага айланиб қолиш оқибатида дарёларимиз суви бўғилиб, чўллаларга оқизилди. Натияжада, Оролга сув етиб бормай қолди. 1960 йилдан бошлаб денгиз сатҳи икки сантиметрдан камайиб борди. Денгиз бўйида бир эмас, икки юз эликта балиқчилик ҳўжалиги бор эди. Ҳар бир ҳўжалик бир кунда 600-

700 килограмдан Мўйноқ консерва заводига балиқ топширарди. Завод кечасио кундузи тўхтамай ишларди. Денгиз бўйида "Артек" болалар оромгоҳи қурилган эди. Ҳаммаси йиллар ўтиши билан вайронга айланиб, кўм барханлари тагига қолиб кетди. Орол чўлга, кемалар қабристонига айланди. Бугун денгиз ўзанида уч миллион гектарлик кўм ва туз саҳроси чўзилиб ётибди. Бу Ер юзи харитасидаги Ирландия давлатининг майдонига тенг. Ҳар йили бу саҳродан 100-150 миллион тонна тузли кўм осмону фалакка кўтарилади.

Орол фожияси шу йилнинг баҳор ва ёз ойи бошларида икки марта ўзини намойиш қилди. Тузли шомол натижаида Хоразм, Қорақалпоқ диёрларида яшил олам оппоқ туз билан қопланди, деҳқончилик катта зарар етди. Самарқанда кўм ва чанг тузонидан офтоб юзи тўсилиб, кўчаларда қўриш

даражаси етмиш метрга пасайиб кетди. Аҳоли ўртасида қанчадан-қанча касалликлар юзага келди. Орол фожияси бутун дунё фожиясига айланди. Оролдан кўтарилган туз бўронлари Ҳиндистон ва Хитойгача етиб бормоқда.

Оролни асраб қолиш учун нима қилиш керак? Кейинги йилларда истиқболли янги умид пайдо бўлди. Бу умид Оролбўйи одамларига қанот бағишлади. У Оролнинг сувдан қурилган ўзанини ўрмонга айлантириш орзуси. Ажабо, сув бўлма, замин туз ва кўмдан иборат бўлса ўрмон қайдан бўлади, дериш? Жавобимиз тайин: кўмли чўл ўсимлиги — саксовул. Унинг барглари шунчалар жимиртки, деярли кўзга қўринмайди, ўзимдаги намликни буғлатмайди. Аммо тананинг ўсиши учун керакли озукани ҳаводан олиб, ўзидан шох-шаббалар чиқаради. Шохлари қанчалик ривож топса, илдизи ҳам шунчалик барханлар

киши бўлиб ишлашади. Бир кўчатга ўра қазиб кетса, иккинчиси орқасидан экиб бораверади.

— Илгари денгизчи халқ эдик, — дейди 18 йил балиқчилик кемаида капитан бўлиб ишлаган 77 ёшли Олмос ота Толошев. — Майли, уни йўқотдик, қани энди ўрмончи ҳам бўлиб қўрайлик-чи...

Лекин ишнинг ҳозирги ҳолатида уч миллион гектар ерни ўрмонга айлантириш учун 150 йил керак бўлар экан. Ҳўш, бу муддатни сиз, азиз ёшларнинг сафарбарлиги билан бир неча ўн йилларга қисқартириш мумкинми? Ахир, Орол бизники — унинг туз ва кўмлари таҳдид солаётган жаннатоманд юрт ҳам бизники. Орол тақдирини — сизнинг тақдирингиз. Эртага дунёга келадиган фарзандларингизнинг тақдирини. Кўчат экилишини қутаётган 2,5 миллион гектар ер харитаси тузилиб ёшларга бўлиб берилса, қанчадан тегиши мумкин? Ҳўжалиқларимиз қанчадан кўчат етиштириб бериши мумкин?

Агарда ўзбекистонлик ёшлар шундай ташаббус билан чиқса, қўшни давлатларнинг ёшлари ҳам қараб турмайди. Бу ҳаракатга жон деб қўшилади.

Тасаввур қилинг, уч миллион гектар ер саксовулзор ўрмонларга айланди. Саксовул ёнинг сифатида кўмирдан кейинги ўринда туради. Кўмирдан ҳавонини инфослайдиган, инсонлар соғайига зарар етказмаган ис гази бор. Саксовул эса, экологик тоза ёқилғи. Кўмир очиб жойда тезда ўқланиб кетади. Саксовул ўтини эса, юз йилгача ёнилик сифатини йўқотмайди. Бир суяк ўтинга зор қанчадан-қанча давлатлар бор. Ўзимизнинг юртимиздаги иссиқхоналар-чи? Вақти келиб саксовулнинг қуриган шохларини валонлаб экспорт қилиш мумкин. Унинг нархи кўмир, газ ва электрдан арзон бўлади. Албатта, уни ёқилғи учун экмаймиз. Мўҳими, саксовул кўм, туз бўронлари оёғига кишан бўлиб тушади. Минтақамизни ва бутун дунёни Орол фожияларидан асраб қолган бўламиз.

Ҳа, уйғонинг, азиз ёшлар! Ёшлар иттифоқи бошчилигида ҳаракатга тушинг. Биз, кексалар ҳам, албатта, сафингизда бўламиз.

Эркин МАЛИК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
ёзувчи.
ЎЗА

УМРГА ТАТИГУЛИК КУНЛАР

Самарқанд шаҳрида минтақада фан ва таълимни ривожлантириш, маданий ҳамкорлик, туризм, экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш масалалари юзасидан ёшларни бирлаштирадиган лойиҳалар, ғоялар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама этилган Марказий Осиё ёшларининг биринчи форуми иштирокчилари ана шундай хулосага келди.

Бугун Марказий Осиё ёшларини бирлаштирган платформада форум иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқдик.

Сулаймон ҚУРБОНОВ,
Тожикистон ёш тадбиркорлар клубининг директор ўринбосари:



— Ўзбекистонга илк бора келишим. Қадимий Самарқанддаги меъморий обидаларни томоша қилиб, дунё аҳлининг маърифати ва маданияти туташган кўҳна ва навқирон шаҳарнинг салобати, мухташамлигини дилдан ҳис этдик.

Форум самимий, дўстона руҳдаги учрашувларга бой бўлди. Тадбир доирасида муҳокама қилина-

ётган мавзулар юзасидан ҳар ким ўз муносабатини билдирди. Таклиф ва тажрибамиз ҳамкасбларимиз томонидан эътироф этилаётгани қувонарли ҳол. Бундан кейинги ҳамкорлигимиз самарали бўлишига умид қиламан.

Лаура ЖУМАНОВА,
Қирғизистон давлат ёшлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси агентлиги бўлими бошлиги:



— Аввало, бизни кўтаринки кайфиятда кутиб олган меҳмондўст ўзбек халқига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Анжуманда бир қатор мавзулар муҳокама этилди. Хусусан, таълим сифатини ошириш бўйича қилинган маърузалар диққатга сазовор. Тизимни янада ривожлантириш борасида бир-биримизнинг таклифларимиз инobatта олиниб,

фикр алмашилди. Келгусидаги режалар, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан амалий вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ёш олимлар форуми ўтказиладиган бўлди.

Данияр СУНАДЪТБАЕВ,
Қозғоғистоннинг “Нур Отан” партияси “Жас Отан” ёшлар қаноти раиси:



— Марказий Осиё ёшлари форумининг ташкил этилиши тарихий воқеа бўлди. Барча ёшлар ташкилотининг бир масканда жам бўлиши, келажакдаги ҳамкорлик учун тамал тошини қўйди.

“Жас Отан” ёшлар қаноти ўз фаолиятини 2000 йилдан бошлаган. У ўз атрофида ватанпарвар, ҳукуматнинг ёшлар сиёсати раванқига ҳисса қўшиш истагида, янгиликка инти-

лувчан 164 минг йигит-қизларни бирлаштирган. Ёшлар сен билан бўлишни истайсанми, уларни қизиқтира олишининг зарур. Бунинг учун эса аввало ўзинг лидер, ватанпарвар ва инновацион ғояларга бой бўлишинг шарт.

Гурбан КАСИМОВ,
Туркменистон спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги мутахассиси:



— Мазкур форум ёшлар сиёсати бўйича мамлакатлараро ҳамкорлик қилишда жуда қўл келади. Бу тажриба алмашиш майдони, янги лойиҳалар учун ғоялар макони бўлиб хизмат қилиши тайин. Муҳими қўшни халқлар ўртасидаги қардошлик алоқалари янада мустаҳкамланади.

Вазирлигимиз ҳали жуда ёш ва ўз олдида кўп вази-фаларни қўйган. Ўйлайманки, келгусида йўлга қўйилажак

ҳамкорлик ташкилотимизнинг янада ривожланишига замин яратади.

Яқинда Аваза миллий сайёҳлик ҳудудида мактаб-ижодий фестивали ўтказилди. Барча иштирокчиларни миллий дастуриимизда фаол иштирок этишга чорлаймиз.

MUNOSABAT

БАХТНИНГ ЎЗГАРМАС МЕЗОНИ



Наргиза ҚОРАБОЕВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

Бахтни ҳамма ўзинча тушунади. Ким учундир чексиз қувонч бахш этган ҳолат бошқалар учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шу маънода баъзилар бахтни нисбий тушунади дейди. Аммо дунёда ўзгармас мезон бор ва у чинакам бахт ҳисобланади. Ана шу ўлчов билан қараганда биз — ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёдаги энг бахтли ёшларимиз.

Ўтган йилнинг шу санаси бир умр ёдимизда қолди. Ўша кун Президентимиз биз ёшлар билан учрашди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Бу йил эса, Ёшлар кунини илк бор нишонлаяпмиз. Шу муносабат билан юртбошимиз бизга байрам табриги йўллади. Президентимиз табригидаги: “Ёшларимизнинг ҳаётини муаммоларига янада кўпроқ эъти-

бор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлодимизнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади”, — деган сўзларни ўқиб билдирилаётган ишонч ва берилаётган имкониятлар кўлами нақадар кенг эканини яна бир бор ҳис этдик. Бу бизга чексиз қувонч бахш этди. Аини пайтда катта масъулият ҳам юқлади. Зеро, билдирилган ишонччи оқлаш унга муносиб бўлиш керак. Бунинг учун эса, ота-онамиз ва устозларга елкадош бўлишимиз, ўқиб-ўрганишдан чарчамай, илм-фанга ҳисса қўшиб, тараққиёт чўққисини эгаллашга интилиб яшашимиз лозим.

Қатынат ила айтаманки, биз, ёшлар, албатта, буюк келажакни қураимиз, Президентимизнинг ишончига ўз билим ва салоҳиятимиз, эришаётган ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

МАСЪУЛИЯТЛИ ЁШЛАР КЎПАЯДИ

Бугун Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Таъкидланганидек, мазкур келишув ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий аъёна ва қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук, жисмонан

соғлом авлодни вояга етказишга кўмак беради. Меморандум Миллий гвардия сафларида мустақил фикрга эга, ташаббускор, шижоатли ўқувчиларни бирлаштириш,

уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

— Асосий вазифамиз ёшларни қўллаб-қувватлаш, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев. — Бугун имзоланган меморандум мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган йигит-қизлар сафи кенгайишига замин яратади.

Тадбир якунида Ёшлар кўни муносабати билан Миллий гвардия ёш ҳарбий хизматчиларига эсдалик совғалари топширилди.

АЙНИ ПАЙТДА



Пойтахтимиздаги “Китоб олами” савдо мажмуасида Республика ёш ижодкорлар кенгаши томонидан диёримизнинг турли ҳудуд-

ларида ижод қилаётган ёш қаламкашларнинг китоблари тақдимоти ўтказилди. Тадбирда Жонтемир Тоштемировнинг “Дарвеш

қўшиғи”, Насрулло Эргашнинг “Иккимиздан қолсин аланга” шеърӣ тўплами, “Жилғалар қўшиғи” номли ёшлар алманаҳи, ёш ижодкорларнинг “Замонамиз қаҳрамони” номли публицистик мақолалар тўплами, шунингдек, Шуҳрат Сатторов томонидан таржима қилинган “Анор-Помергранате” номли ўзбек ёзувчиларининг инглиз тилидаги насрий жамланмаси ҳамда Муҳаммадхон Юсуповнинг “Қисқа ҳикоялар” и китобсеварларга тақдим қилинди. Барча китоблар ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Яқинда йигилганларга муаллифларнинг дастхати туширилган китоблар совға қилинди.

БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ

Ж.ЭРКИНОВ

Бугун Ёшлар ижод саройида Марказий Осиё ёшлари форуми иштирокчилари жорий йилнинг 11-12 июнь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган “Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли” мавзусидаги халқаро конференцияда кўтарилган масалалар муҳокама қилиди.



Анжуманда ёшлар орасида терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмга қарши курашиш, бу жараёнда давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини кучайтириш, интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар ташвиқотининг олдини олиш учун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида фан, маданият, спорт соҳаларида алоқаларни янада мустаҳкамлаш кераклиги қайд этилди. Таъкидланганидек, ушбу иллатлар дунёда

барқарор ривожланиш ва миллатлараро тотувликка муайян таҳдид солмоқда. Бу эса уларни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этди. Учрашувда бу йўналишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор таклифлар ўртага ташланди. Тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда Марказий Осиё ёшлари уюшмасини ташкил этишга келмиши олинди.

ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР-ИСТЕЪДОДЛАРГА ИМКОН

Бугун мамлакатимизда мода индустрияси жадал ривожланиб, биз миллий матоларимиз, қадриятларимизни жаҳонга намойён қилиш имконига эга бўляпмиз. Бундан бир йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Ёш дизайнерлар кенгаши соҳага қизиқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорини намойён қилиш истагидаги тикувчиларни излаб, улар истеъдодини юзага чиқаришга имкон бермоқда.

Кенгаш аъзолари келажакда маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни жалб этиб, жаҳон бозорига муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилган.

► Ёш дизайнерлар Кенгаши Халқ таълими Вазирлиги ва “Ўзбекенгилсаноат” АЖ билан ҳамкорликда 2018-2019 ўқув йили учун энг яхши мактаб формаси танловини ўтказди. 983 та иштирокчи ариза топширган бўлиб, улардан 20 таси мактаб формасини яратиш учун танлаб олинди.

► Жорий йилнинг 2-9 апрель кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон мода ҳафталиги” да Андижон вилояти ҳафталигида кашф этилган 3 нафар иқтидорли дизайнер иштирок этди.

► Шу йилнинг 23 апрел 6-5 май кунлари 3 та вилоятдан таширф буюрган ўн саккиз нафар ёш тикувчи-дизайнерлар “Fashion tour to Tashkent” лойиҳаси доирасида “Анор” модалар уйда бепул малака оширди.

ЎЗБЕК КИНОИНДУСТРИЯСИДА ТУБ БУРИЛИШ

Ёшлар иттифоқи қўшида келажак авлоднинг тарбиясига ижобий таъсир ўтказадиган бадиий, ҳужжатли, мультипликацион ва қисқа метражли фильмлар, телесериаллар яратиш, турли ижодий лойиҳалар, танлов ва фестиваллар, киноанжуманлар ташкил этиш, соҳа учун зарур мутахассислар захирасини яратиш мақсадида Ёш киноижодкорлар кенгаши таъсис этилди. Тузилма ўтган бир йил ичида оламшумул лойиҳаларни амалга оширди.



Бухоро вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини намойён этувчи Welcome to Bukhara промо-ролиги суратга олинди. Малакали мутахассислар томонидан суратга олинган мазкур ролик дунё стандартларига тўлиқ жавоб беради.



“PROlogue” ёш кинорежиссёрлар, театр, кинорассомлик, киношунослик, фотография, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳасида изланиш олиб бораётган ижодкорларни бир даврага жамлади.




Art-House — Ўзбекистонда биринчи ва энг йирик, узлуксиз лойиҳа бўлиб, ёш ижодкорларнинг ҳақиқий санъат уйига айланган. Унда 5 та гуруҳ шакллантирилиб, сценарийнавислик, режиссура, операторлик иши ва актёрлик маҳорати каби йўналишларда уч ой давомида ёшлар соҳа мутахассисидан сабоқ олмақда.



“Scorpion” — ёш киноижодкорларнинг дастлабки ўзбек триллери. Картина Тошкент, Санкт-Петербург ҳамда Мароқашнинг бир қанча шаҳарларида суратга олинди, хорижий мутахассислардан таркиб топган ижодий гуруҳ уч ой давомида қизгин иш олиб борди.

Жорий йилнинг 8-19 май кунлари 71-Канн халқаро кинофестивалида илк маротаба “Uzbekistan” павильони ташкил этилди. Унда Германия, Ҳиндистон, Грузия, Туркия каби давлатлар билан англашув меморандуми имзоланди.





ШУНЧАКИ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Алишер САБДУЛЛАЕВ,
Халқ таълими вазири ўринбосари

Раҳбарлик осон иш эмаслигини бошимга тушгач билдим. Биргина мисол, авваллари қилмоқчи бўлган ишлар режасини эркин тузган бўлсам, энди ундай қилолмайман. Ҳар бир дақиқа эл-юрт, халқ ташвиши билан яшагга ундайди. Лекин шундай вазиятларда кимгадир керакмисиз, ҳаракатингиз бирор кимсага наф келтирадими йўқми, яхши англаркансиз.

Вазирлик тизимидаги фаолият мени тубдан ўзгартирди, десам муболага бўлмайди. Аввало, қиладиган ишларни ўзим учун белгилаб олдим. Ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш, вазирликда ахборот коммуникацияларини тадбиқ қилиш ва бошқаруви билан ташқари вақтини унумли ўтказиш, яъни турли тўғарақлар ташқари қилиш каби янги йўналишлар бўйича ҳаракатни бошладим. Дарҳақиқат, ўтган бир йил давомида ИТтифоқ тизимида жуда катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси буйича олти миллионга яқин ташкилот етакчисидан қарийб юзга яқини мактаб директори лавозимига кўтарилди. Шунингдек, Тошкент Халқаро Вестминстер

университетида таҳсил олаётган ўн тўрт нафар етакчи ўз йўналиши бўйича турли юқори ташкилотларнинг масъул лавозимларига тайинланди. Ёшларга юксак ишонч билдирилгач, улар нималарга қодир экани ва қандай ўзгаришлар қила олишини кўрсата бошлади. Шароит бор жойда ўсиш бўлади, албатта. Бугунги ёшлар жуда интилувчан, озгина кўмак берилса бас, ҳар соҳада иқтидорлари топилади. Маълумки, кўпгина мактабларда интернет муаммоси мавжуд. Аммо бугунги кунни тезкор ахборот тасаввур қилиш мушкул. Шунингдек, Шунингдек, Тошкент Халқаро Вестминстер

интернет тармоғи яратиш белгилангани ва шунга эришилди. Бундан ташқари, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Баркамол авлод” марказларидаги мавжуд тўғарақлардан ташқари, биринчи марта техника курслари ҳам ташкил этилмоқда. Табиийки, бу ҳам соҳанинг ҳақиқий мутахассислари етишиб чиқишига хизмат қилади. Бажарилган ишлар хамир учидан патирдек гап. Ҳали олдимизда турган вазифалар талайгина. Шундай экан, халқ ичига кириб, уларга яхши шароит яратиш, орзу-мақсадлари рўёбга чиқиши учун кўмаклашимиз лозим. Зеро, барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиши керак.

КЎМАККА ШАЙ ҚЎЛЛАР БОР

Сарвиноз ШОКИРОВА,
“Сарвиноз Собиржоновна файзи” фермер хўжалиғи раҳбари

Ўтган йили мендек ёш бир фермер қизга Президентимиз 2 та трактор совға қилганида кўзимга ёш келгани. Ҳеч бир давлатда ёшларга бу даражада эътибор қаратилмайди. Бизда иқтидор буй кўрсатса бас, кўмакка шай қўллар бисёр. Ҳаракат, интилиш, мақсадинг борми, бўлди, барча имконият эшиклари очилди.

Авваллари битта техникани ойлаб кутардик, навбатда туриш, пулини олдиндан тўлаб яна сарсон бўлиш кишини маънан ва жисмонан толиқтирарди. Вақтида ерга ишлов берилмас, ўғитлар билан тўйинтирилмас, натижада ҳосил ҳам шунга яраша бўларди, албатта. Энди овирим анча енгиллашди. Даламдан ортиб, бошқа фермерларга ҳам тракторларни ижарага беряман. Тушум ҳисобига эса, янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлдим. Кимгадир нафнинг тегса, бундан ортиқ бахт бўлмас экан. Бугун халқнинг ҳукуматга ишончи ортган. Аиниқса, Ёшлар иттифоқи томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Биргина кишлоғим мисолида айтишим мумкин,

ташкilot бир кун кимнингдир уйини таъмирлаб, томини ёпиб берса, эртага томорқасини обод қилапти. Одамлар юзида кувонч, миннатдорлик, розилик ҳисси. Ана энди улар давлат учун оғринмай меҳнат қилади, менга қилган яхшилигини икки ҳисса қайтарай, дейди. Бундан ортиқ бахт йўқ, назаримда. Келажакда қиладиган ишларимнинг адоғи кўринмайди. Аввало, кичик машина трактор паркани (МТП) очмоқчиман. Чунки техника кишлоқ хўжалигининг юрағи ҳисобланади. Усиз иш тўхтабди. Мазкур паркда бир дондан бўлса-да, хўжалик учун зарурий техникаларни жамласак, албатта, фермерлар мушқули ҳарна енгиллашди. Неки бўлса, шу эл, ватан учун қиламан-да. Зеро, унинг ёрқин келажиги меннинг келажигимдир.



РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Олим ТҮЙЧИЕВ,
Фан ва технологиялар агентлиғи Бош директори ўринбосари

Ўтган йили “Камолот” ЁИҲ IV қурултойида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви ҳаётимни буткул ўзгартирди, деб ўйламагандим. Бизга билдирилган ишонч — бу бутун ёшларга берилган имконият эди.

Мамлакатимизда фан ва таълимга алоҳида эътибор берилди, имкониятлар катта, аммо мавжуд салоҳиятимиздан ҳар доим ҳам биз, ёшлар хабардор эмас эканмиз. Фаолиятимни бошлаган илк кунимдаёқ шунга амин бўлдим. Биринчи ишим тизимдаги аҳволни ўрганиш бўлди. Қандай камчиликлар бор, қаерда оқсаяпмизу қайси жабҳада илгормиз. Бу фаолиятимизга аниқ, оқилона баҳо бериш учун зарур эди. Кузатувлардан билиндики, айнан АКТ соҳасида илмий иш қилишга иштиёқи бор ёшлар жуда кам экан. Сабаби эса тизимдаги баъзи камчиликлар, шунингдек, тадқиқотчи олимлар ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этишда

қийинчиликларга учраганидир. Бу ҳолат ёшларда хавотир уйғотгани аниқланди. Натижада хорижликлар ишланмаларидан фойдаланишимизга тўғри келган. Хориж тажрибаси ва ёшлар фикрини ўрганиб, агарда АКТга ёшларни қизиқтириш мактаб ёшидан бошланса, айни мuddао бўлади, деган хулосага келдик. Дастлабки тажриба Тошкент шаҳрида ўтказилди. Москва Давлат университетининг Тошкент филиалида ва Тошкент Халқаро Вестминстер университетида иштироки бор, янгиликка интилувчан, янги-қизларни жалб этган ҳолда дарслар ташкил этилди. Аҳамиятлиси, тўғарақлар дарсдан ташқари бепул ўтказилмоқда.

Шунингдек, таълимни мазмунли ўтказиш мақсадида “Innovation Camp” лойиҳасини амалга оширдик. Мақсад — ёшларнинг илм-фан, ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришдан иборат. Аввало, уларга маълумотлар берилди. Президентимиз ёшларга жиддий эътибор қаратяпти. Назаримда биздан умидлари катта. Қиладиган ишларимиз буйича дастлабки кўп, режалар бисёр. Ҳали биз АКТ соҳаси буйича дунёнинг илғор давлатлари қаторида бўламиз. Ўйлаёманки, биз ишонччи, албатта, оқлаймиз.

ТАДБИРКОР БОР – ТАРАҚҚИЁТ БОР

Боборавшан ҲОЗИДИНОВ

Бугун мамлакат қудрати табиий захиралар — нефть, олтин ва бошқа қимматбаҳо қазималар билан ўлчанмайди. Инчунин, “Ўғиб есанг тоғ ҳам чидамас”, дейди донишманд халқимиз. Улар қачондир тугаши муқаррар. Қай бир ривожланган мамлакатни олманг, у илғор ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти билан бошқалардан ажралиб туради. Бунда эса, тадбиркорларнинг ўрни беқийс.

Сўнгги йилларда юртимизда ёшлар тадбиркорлиғига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тенгдошларимиз орасида тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида Ёшлар иттифоқи томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Марказий Кенгаш қошида “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш” ва Иттифоқ муассислигида

“Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Қисқа муддатда марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ҳудудий бўлиналари фаолият бошлади.

АЙНИ ПАЙТДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА 115 МИНГДАН ЗИЁД 30 ЁШДАН ОШМАГАН ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.

Марказий банк ва тижорат банклари, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, лизинг ва сугурта компаниялари вакиллари иштироки 200 нафардан зиёд мурожаатчилар муаммосини ҳал этишда қўл келди. Бу мулоқотларда 6 минг нафардан зиёд тадбиркор, 4 минг 800 нафар уюшмаган ёш томонидан 600 тадан ортиқ муаммо ўртага ташланди. Ечимини кутаётган муаммо ижобий




ҳал этилмас экан, куруқ ўрганишдан наф бўлмайди. Иттифоқ ва ҳамкор ташкилотлар томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тизимли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳудудларда тажрибали тадбиркорлар иштирокида “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзусида маҳорат дарслари ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Андижон, Навоий, Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ташкил этилган маҳорат дарсларида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 7 минг нафардан зиёд ёшлар соҳанинг тажрибали вакиллари билан сабоқ олиш имконига эга бўлди. Ушбу

лоийҳанинг мантиқий давоми сифатида туман ва шаҳарларда ташкил этилган кичик иқтисодий ва саноат зоналари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ёшларнинг бизнес саёҳатлари уюштирилди. Бу Иттифоқ ва ҳамкор ташкилотлар амалга оширган ишларнинг бир қисми. Юртимизда ёш тадбиркорларга ҳукумат ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2017 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга қура, ҳудудларда бизнес-режалар тайёрлаш, маркетинг тадқиқотларини


ўтказиш каби муҳим вазифаларни бажарадиган кластерлар ташкил этилади. Ҳозир дунё бозоридagi рақобат кескин тус олган. Ёшлар тадбиркорлик кластерлари эса, ана шу рақобат майдонида ўз ўрнини топа оладиган ишбилармонлар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кластерларда ёшларни кўпроқ қамраб олиш учун уларда тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш ва иш бошлаши учун кўмаклашиш лозим. Бу борда ҳам ўтган бир йил мобайнида қатор ишлар амалга оширилди. Уюшмаган ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, илғор хорижий тажрибаларни фаолиятга жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, Иттифоқнинг шаҳар, туман кенгашлари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида 10 мингдан ортиқ “Бизнес клуб” фаолияти йўлга қўйилди. Унда 243 минг нафардан зиёд ёшларга тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий саводхонлик,

ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ИТТИФОҚНИНГ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ОРҚАЛИ 4 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЁШЛАРГА ШАХСИЙ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КЎМАКЛАШИЛДИ. ШУНДАН, 1 МИНГ 200 НАФАРДАН ЗИЁДИГА 22 377,5 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. ҚАРИЙБ 300 НАФАРГА ЯҚИН ТЕНГДОШИМИЗГА ЕР-ЖОЙ ВА БИНО-ИНШООЛАР ҲАМДА 164 НАФАРИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКАЛАРИ ОЛИШДА ЁРДАМ БЕРИЛДИ. БУ ЭСА, ЁШ ТАДБИРКОРЛААР ФАОЛИЯТИНИ ТЎГРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ ОЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ. ҚОЛАВЕРСА, ТЕНГДОШЛАР ОРАСИДА ТАДБИРКОРЛИККА ҚИЗИҚИШ КУЧАЙДИ. МУҲИМИ, СОҲАГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР САБАБ 22 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.

бизнес режа тузиш сирлари, маркетинг стратегияси, кредит сиёсати, солиқ тизими каби қатор мавзуларда маҳорат дарслари утиляпти. Иттифоқ томонидан келгусида ҳам ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва соҳани жадал ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар режаси тузилган. Биргина мисол, шу вақтгача 4 минг нафардан ортиқ ёш тадбиркорга 976 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиш бўйича дастлабки манзили рўйхат тузилди. Таъкиланганидек, юрт истиқболи ишбилармонлар фаолиятига боғлиқ экан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун бошланган ишларни тизимли равишда давом эттириш керак.



Ёшларга нур, парвоз ният! Кургай улар хур жамият!..



ОРЗУЛАР УШАЛАДИ

Шероод МАҲМУДОВ

Ўйингоҳ сукунатга чулганган. Муҳташам спорт аренасида бир гуруҳ болалардан бошқа ҳеч ким йўқ. Томошага келган ёшларнинг нигоҳи олис-олис нуқталарга қадалган. Қулоқлари остида йирик спорт ўйинларидаги муҳлисларнинг ҳайқириги жаранглайди. Хаёллари музаффарият оламининг бепоён сарҳадлари томон етаклайди.

Бир йил... Айтишга осон, аммо бир инсоннинг тақдирини ҳал этишга, мурғак чақалоқнинг атак-чечак қилиб қадам қўйиши учун етарли муддат. Ҳозир эса расмий, аллалло рақамлар, "қуруқ" статистик маълумотларга берилиш ниятимиз йўқ. Шунчаки, Ёшлар иттифоқи томонидан ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашган ўғил-қизлар келажакда катта голиблик оstonасига келса, нима бўлади? Тасаввур этиб кўрайлик.

... У чемпион бўлишни истайди. Трибуналардаги шовкига парво ҳам қилмайди, эшитмайди, хаёли фақат галабада. Ёшлигидан спорт билан улғайди. Мактабдаги танловларда қатнашди. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари, "Темурбеклар" ҳарбий-спорт ўйинларида товланди. Мана бугун олтин медаль сари талпинмоқда...

... Шарҳловчилар мамлакатимизнинг жаҳон чемпионилик давогар оғир атлетимиз ҳақида тўхтовсиз маълумот айтиш билан банд:
— Ушбу спортчи бадий гимнастика бўйи-



ча "Ёшлик гунчалари", касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақалари, шунингдек, "Мега спорт" мусобақасида голиб бўлган.

... У финалда. Ўтган йилги шахмат бўйича жаҳон чемпионига қарши дона сурмоқда. Рақибини мот қилиш арафасида. Аммо ўша юришни амалга ошириши керак. Бирдан Ёшлар иттифоқи томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган "Ёшлар шахмат тахтаси" анъанавий республика очиқ турнирида ик бор қатнашгани ёдига тушади, ниҳоят, дона сур-

ди. Ва...
... У рингга кўтарилмоқда. Ортида Ватан байроғи қилпирайди. Томошабинлар олқиши янграйди. Экранларда унинг эришган ютуқлари кино тасмадай бирма-бир ўтади.

"Умид ниҳоллари" — 2018" ҳамда "Темурбеклар" ҳарбий-спорт мусобақаси голиби".

... У татамига мағрур, ўзига ишонган ҳолда чиқди. Муҳлисларнинг кўз ўнгиде унинг финалга қадам бўлган йўли акс этар, ўзи эса, голиблик шохсупасига кўз тиккан.

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг 50 минг нафарга

яқин ўқувчиси ўртасида "Баркамол авлод" спорт мусобақалари совриндорни, "Бургут" ҳарбий спорт мусобақаси чемпиони. Ва ҳоказо...

... Болалигида бир велосипеди бўларди. Эслайди! Биринчи марта Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан 2017 йилнинг 20 август — 18 сентябрь кунлари 40 минг нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчилар иштирокида ташкил этилган "Ёшлар-Тур" веломарафониди ҳаммадан илдамлаб кетганди. Ҳозир эса, у жаҳон аренасида...

... Пойгалар авж олди. У автопойга бўйича жаҳон кубоғи голиби бўлишига сониялар қолади. Мана, сўнгги айлана. Музаффарият байроғи боши узра қилпираш арафасида. Томошабинлар қаторидаги яқинларини кўриб, бир вақтлар ик бор ўзи иштирок этган "Локомотив-Анҳор" картинг марказида 150 нафар спортчи ёшлар иштирокидаги "Гран При AXELON" турнири ёдига тушади.

... Енгил атлетикада у ўзини сувадга баликдек ҳис қилади. Ҳозир ҳам финал олдидан қийинчи хонасида тайёрланиб ўтираркан, деворларга илгинган иштирокчиларнинг сурат ва маълумотлари орасидан ўзини топи. Узундан-узоқ ютуқлари қайда этилган қозғондан фақатгина шуниси кўзига тушади. Чунки у муқаддима бўлганди.

"Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидидаги Республика техник ва



амалий спорт турлари марказида Олий таълим муассасаларининг 430 нафар талабалари ўртасида "Биз чемпион" шiori остида йўл тусиғидан ўтишда жамоалар ва индивидуал иштирокчилар ўртасида ик маротаба "Мега спорт" чемпионатида олтин медални қўлга киритган. Шундан кейин...

... Шарҳловчиларнинг диққат-эътибори спортчимизда. Томошабинларга маълумот етказиш билан банд.

— Биласизми, бу спортчимиз ёшлигидан мусобақаларда товланган. Масалан, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан республика миқёсида ўтказилган "Наврўз — 2018" марафониди, голибликни қўлга киритган. Бугун-чи? Чемпион бўла олармикин?

... Ўйингоҳда соат бонг урди. Ташриф вақти тугади. Орзуларни амалга ошириш фурсати етди.

YOSHLIK ILHOMI Тарсаки

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Ишдан шошиб чиққанча, уйга отландим. Бугун оймнинг туғилган куни, тезроқ бормасам бўлмайди. Йўқса, ўзи бозорга чиқиб харж қилиб келади. Қалин қор ёққан, ўзим бориб келганим маъкул. Аксига олиб мажлис чўзилиб, бироз кечикаётганим. Чорраҳада тўхтаб, атрофни кузатадим. Шу пайт бекатда транспорт кутаётган аёлга кўзим тушди. Разм солсам биринчи ўқитувчим! Болалик хотираларим ёдимга тушиб жилмайдим. Қўллариди доимгидек китоб-дафтарга тўла иккита сумка. Мактабдан чиқиб, уйга кетаяпти, шекилли. Бекатнинг томи йўқ экан, уст-боши жиққа ҳўл бўлибди. Машинамда уйига элтиб қўяй дедим, аммо онамни уйлаб, шаштимадан қайтдим. Етиб олар, деб ўзини овутиб, йўлимда давом этдим.

Уйга келсам, онам йўқ. Мени кутмай, бозорга жўнабди... Ярим соатдан сўнг уйга кириб келган волидамнинг қўлида тўла бозор халта, усти оппоқ қор... — Нега мени кутмадингиз, ойи? Бирга борардик, ахир! — Қарасам, кеч бўляпти, ўғлим... Аканг, жиянларинг келгунча ошни дамлаб қўямасак улгурмасдик-да... — Такси тутдингизми, ишқилиб? — Ҳеч ким тўхтамаси дегин... Машиналарга қўл кўтара-кўтара уйга келиб қолибман. Ҳечқиси йўқ. Бу совуқда автобус кутсам шамоллаб қолардим-да. Юзимга тарсаки тушгандек бўлди, ўқитувчим кўз олдимга келди...

ЭНЦИКЛОПЕДИК МАЪЛУМОТ

Ўзбек тили — ўзбек халқининг миллий тили, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили (1989 йил 21 октябрдаги «Давлат тили ҳақида»ги қонунга мувофиқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган). Бу тил тилларнинг

генеалогик таснифига кўра, туркий тиллар оиласининг қарлўқ гуруҳига мансуб бўлиб, тилларнинг морфологик таснифига асосан агглютинатив тилдир. Ўзбек тили, асосан, Ўзбекистонда, шунингдек, қўшни Афғонистон, Тожикистон,

BADIA ЁШЛАР — КЕЛАЖАК КЎЗГУСИ

Боборован ҲОЗИДИНОВ

Ривоят қилишларича, дунёда тенгсиз куч-қудратга эга бўлган юрт подшоиси мунажжимни чақириб: "Айт-чи, биздан кейин элик йил ўтгач, юртимиз шону шавқати ҳозиргидек баланд бўладими?" — деб сўрабди.

У ноодатий ҳолда бир зум ҳам уйламай: "Ҳа", — деб жавоб берибди.

Пешо уни яна савога тўтибди: "Юз йилдан кейин-чи?"

Мунажжим эса, ўша жавобни қайтарибди.

Уч сафар ҳам ундан бир хил жавоб эшитган шохнинг жаҳли чиқиб: "Сендан одаий нарса ҳақида сўрасам ҳам юлдузлар жойлашувини кўрайин, деб вақт сўрар эдинг. Мулоҳаза қилиб жавоб берадинг. Лекин юрт истиқболни ҳақида савол берганимда бир сония ҳам уйланмадинг", — дебди.

Шунда мунажжим тез-тез мамлакатнинг чекка овул ва қишлоқларига сафар қилишини, шу билан бирга, ёшларнинг уй-ташвиши, қизиқишини ўрганишини айтиб: "Илми, билганига амал қиладиган ва ўз ҳақида собит турадиган фарзанд тарбиялаган элнинг шўхрати ҳеч қачон сўнмайди. Шу боис саволингизга юлдузларга қараб эмас, болалар қалбига қулоқ тутиб жавоб бердим", — деган экан.

Дарҳақиқат, ёшлар келажак кўзгусидир. Уларнинг мақсад-

муддаоси, интилиши эртанги кун қандай бўлишидан далолат беради. Бугун тенглошларим, укасинилларим кўзига боқиб, юрт эртаси қандай бўлишини тахмин этаман. Аини пайтда Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улўғбек, Ал-Хоразмий ва Ибн Сино каби улўғларимизга муносиб авлод улғайиб келаётганини кўраман. Ҳозирги пайтда ўзбек ёшлари хорихлик дўстлари билан бемалол беллашиб, илм-фан, санъат ва адабиёт ҳамда спортда юксак марраларни қўлга киритаяпти. Дунё аҳли уларни тан олмақда. Бу эса, ўз-ўзидан бўлмайди. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, фамхўрлик яратилаётган имкониятлар ва булардан оқилонга фойдалана олиш ютуқларинг тамал тошидир. Шулар ҳақида уйлаганимда, ёзининг жазирамасида ҳам, кишининг қадратини ҳам дилбанди келажакни ўчун меҳнат қилаётган, топганини боласига иланидиган танти ва меҳрибон ота-она кўз олдимга келади. Отамакон, Она Ватан дегани одаий тешбех эмас, балки ҳаётий ҳақиқат эканини англайман.

Инсон ҳаётидаги энг қувончли кунини хотирасига мангу муҳрлаш учун байрам қилади. Аини пайтда ўзини қайсидир маънода тафтиш ҳам этади. Ўтган вақт мобайнида

Қирғизистон, Қозоғистон республикаларида, Туркменистонда, Россия Федерацияси, Туркия, Саудия Арабистони, Хитойнинг Синьзян мухтор райони, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда тарқалган. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк шоир ва мутафаккирлар ўзлари ижод қилган тилини "туркий", "турк", "туркча" деб атаб, бу тилни бошқа туркий тиллардан алоҳида ажратиб кўрсатади.

қўлга киритганларини таҳлил қилиб, келгуси режаларини тузади. Навбатдаги байрамга чорзулари рўйини кўришни истайди ва шунга яраша ҳаракат қилади.

2017 йил 30 июнь юртимиз ёшлари учун ана шундай қувончли онларни ҳада этади. Юртбошимиз ёшлар билан учрашиб, уларни тинглади. Келгуси режалар, имконият ва вазифалар ҳақида батафсил айтилди. Президентимиз ташаббуси билан бу тарихий кун ҳар йили Ёшлар куни сифатида байрам қилинадианган бўлди.

Юртимизда илк бора нишонланаётган ёшлар аймеги узгача руҳда ўтмоқда. Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари болажонларни табиат қўйнига олиб чиқиб, экоманданият ҳақида тушунча бераяпти. Сайилгоҳларда таниқли ижодкорлар, эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Бахонада китоб, маънавият тарғиб этиляпти. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож, боқувчисини йўқотган — меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олинди, шундай оила фарзандларининг тўйлари ўтказиб берилаётир.

Бир сўз билан айтганда, байрамда ижтимоий фаол ёшлар амалий ишлар билан тенглошларига намуна бўлмоқда. Ёшлар куни муносабати билан эзгу ғоя тараннум этилиб, яхши амалларга қўл урилмоқда. Буларни кўриб, ёшлар чин маънода келажак бунёдкори эканига яна бир бор амин бўласиз.

Бизга ана шундай гўзал туйғунни ҳада этган бугунги тарихий сана — Ёшлар куни барчамизга муборак бўлсин!



Андижон давлат тиббиёт институтининг 498 нафар бакалавр, 97 нафар магистратура йўналиши битирувчиси шифокорлик қасамёдини қабул қилди. Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

МУШОҲАДАГА ЧОРЛОВЧИ ЯНГИ ФИЛЬМ

Инобат АҲАТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносаройда «Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмасига асосан «Ёшлар ижодий тажриба» студиясида суратга олинган «Рўе» (Акахон) бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Ҳаётда кимларнингдир соясида яшаб, муваффақият қозонгандан қўра, Яратганнинг берган неъматига шўқр қилиб яшаш афзаллиги талқин этилган кино сценарийсини Мурод Муҳаммад Дўст ёзган,

режиссёр Аҳмад Ўнарбоев, постановкачи режиссёр Мирмақсуд Охунов, постановкачи оператор Музаффар Юсупов.

Фильмда тадбиркорлик билан кун кеңираётган Воҳид исми қўрамон

ҳаёти тасвирланган бўлиб, у тезда бойиб кетиш йўларини қидира бошлайди ва аслида йўқ бўлган «акахон»и борлигини тўқиб чиқаради ҳамда атрофдагиларни ҳам бунга ишонтиради. Охир-оқибат ўзи тўқиган ёлғонининг соясига айлиниб қолади.

Фильмда асосий ролларни Фаҳридин Шамсиматов, Фарҳод Абдуллаев, Муҳаммадсоли Юсупов, Нигора Каримбоева каби маҳоратли актёрлар жамоаси ижро этган.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҲОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фаҳридин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Қамолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзахонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар
Абдуллаев Хуршид
Норбоев Жамолитдин
Навбатчи
Тўмарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси навишилан нарҳда.
Буюртма: Г-636
Адаби — 24676
Босишга топширилган вақти — 17.00
Топширилди — 17.00
Офсет усулида босилган.